

Reepithol

«КЕЛИШИЛГАН»
Янги тиббий техника
кўмитасираиси
Холтов Ф.Т.
ПК №11 02.06.2021 й.

ТИББИЙ БУЮМНИ ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Тиббий буюмнинг савдо номи:

Резпитол

Таркиби:

тозаланган қорақарағайнинг елими (Picea abies)

Тиббий буюмнинг чиқарилиш шакли ва таърифи:

сиртга қўллаш учун балзам 10%.

Таркиби:

балзамнинг 1 г қўйидагиларни сақлайди:

фаол модда: тозаланган қорақарағайнинг елими (тахминан 65% этанолдаги эритмаси) – 176,4 мг;
ёрдамчи моддалар: вазелин, микрокристалли мум, суюқ парафин, Montane 481 VG (сорбитан олеат, асалари муми, гидрогенизирилган канакунжут мойи, стеарин кислотаси аралашмаси).

Таъсир этиш механизми:

Балзамнинг асосий таъсир механизми - яранинг устида бевосита ҳимоя қатламини ҳосил қилиш. Балзам микробларга қарши таъсирга эгадир ва антимикроб тўсиқни ҳосил қилади. Ушбу механик тўсиқ ярани микробиологик ифлосланишдан ҳимоя қилади, инфекцияни олдини олади (патоген микроорганизмлар ярани даволашни сусайтиради), терининг қайта эпителизациясига ва яраларни табиий даволашга ёрдам беради. Оддий қорақарағайнинг елими дори эмаслиги сабабли унинг фармакологик фаоллиги ўрганилмаган.

Қўлланиш соҳаси:

Резпитол юктирилган ва юктирилмаган, ўткир ва сурункали терининг шикастланишини даволаш учун ишлатилади: шилиниш, ёриқлар, куйиш яралари, трофик ёки диабетик яралар, мураккаб хирургик яралар ва очик пўрсилдоқлар.

Қўллаш усули:

Катталарга ва болаларга: шилинишлар, терининг шикастланишларини сув билан ювиш ва қуритиш керак. Яраларнинг юзаси ва очилган пуфакчалар шифокор ёки ҳамширанинг тавсияларига биноан тозаланadi. Резпитол балзамини бевосита шикастланган тери юзасига кунига 1-2 марта суртиш керак. Зарурат туғилганда, шикастланган тери юзасига ҳаво ўтказувчи дока ёки бинт билан ҳимоялаш керак. Резпитол яранинг сиртида антимикроб плёнка ҳосил қилади, у ярани ифлосланишлардан ҳимоялайди ва самарали битишига ёрдам беради. Балзамнинг кўзларга ёки оғизга тушиб қолишидан сақланинг.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар :

Балзамнинг компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Махсус кўрсатмалар:

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши
Ҳомиладорлик ва эмизишда ноҳўя самаралар эҳтимоли ҳақидаги маълумот йўқ. Амалиёт тажрибаси камлиги сабабли, Резпитол ҳомиладорлик ва эмизиш вақтида қўлланмаслиги керак.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Автотранспорт воситаларини бошқариш ва потенциал хавфли ҳаракатланадиган механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир қилмайди.

Бошқа воситалари билан ўзаро таъсири:

Клиник жиҳатдан муҳим ўзаро таъсирлар қайт этилмаган.

Ноҳўя таъсирлари:

Резпитол қўлланилганда елим таркибидаги моддаларга аллергик реакция бўлиши мумкин. Қўлланилган юзада аллергик реакция маҳаллий терининг тирнаш хусусияти билан намоён бўлади (аллергик контакт дерматит). Аҳолининг тахминан 1-3% елимга аллергияси бор. Елим асосидаги балзамнинг қўлланилишини аллергиянинг бирон бир симптомлари аниқланганда бекор қилиниши зарур. Агар елимларга сезувчанлик номаълум бўлса, Резпитолни терининг катта бўлмаган юзасида синовдан ўтказиш керак. Агар аллергик аломатлар 3 кун ичида пайдо бўлса (қичишиш, қизариш, шишиш, пўрсилдоқлар ва ҳоказолар), Резпитол балзамидан фойдаланиш мумкин эмас. Агар даволаниш даврида аллергия аломатлари кейинроқ пайдо бўлса, Резпитол балзамидан фойдаланишни дарҳол тўхтатиш керак. Ш о ш и л и н ч ҳ о л а т л а р д а с и з ш и ф о к о р б и л а н м а с л а ҳ т л а ш и ш и н г и з к е р а к .

Чиқарилиш шакли ва қадоқлаш

30 г балзам бураладиган қоқоқ билан алюмин ёки ПЭ/АЛ/ПЭ тубаларда.

1 тубадан давлат ва рус тилидаги қўллаш бўйича йўриқнома билан биргаликда картон қутига жойлаштирилади.

Сақлаш шaroитлари

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.
Боллар ололмайдиган жойда сақлансин!

Яроқлилик мuddати

5 йил.
Биринчи очилгандан кейин, ҳона хароратида 1 йилдан ортиқ сақланмасин.
Яроқлилик мuddати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

HELP S.A., Греция

Савдо белгиси ва руйхатдан ўтказганлик

губоҳномасининг эгаси
VEGAPHARM LLP., Буюк Британия

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотнинг сифати бўйича истеъмолчилардан мулоҳазаларни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили:

"Ameliya Pharm Service" МЧЖ,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.,
100015, Ойбек кўч., 36, «EAST LINE» БМ,
Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82;
e-mail: uzdrugsafety@eviolet.co.uk



Vegapharm